



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни расмий ташриф билан Токио шаҳрига келди.

“Ханеда” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Япония ички ишлар ва коммуникациялар вазири Ёшимаса Хаяши ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Токио шаҳрига келган Президент Шавкат Мирзиёев Японияда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз билан учрашиб, улар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, юрдошларимизнинг орзу-умидлари, мақсад ва режалари ҳақида очиқ ва самимий мулоқот бўлиб ўтди.

Президентимиз ватандошларимизга иши ва ўқишида муваффақиятлар тилаб, улар кунчиқар юрда орттирган билим ва

тажрибалар Ватанимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигига хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 19-20 декабрь кунлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Япония Императори Нарухито, Бош вазири Санаэ Такаичи ва бошқа расмийлар, ишбилармон доиралар ҳамда академик ҳамжамият вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон етакчиси “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этди.

ЎЗА

Кенжи ХИРАТА:

“ЯПОНИЯ – ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ЧИҚМОҚДА”

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи ва “Марказий Осиё+Япония” форматидagi биринчи саммитдаги иштироки арафасида ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчиси Кенжи Хирата “Дунё” АА мухбирига интервью бериб, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алмашувлар, “С5+” форматининг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдирди.



— Япония Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий, бир сўз билан айтганда, барча соҳалардаги муҳим ҳамкорларидан ҳисобланади, шундай эмасми? Сизнингча, икки давлат ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва янги даражага олиб чиқишда қайси йўналишлар энг истиқболли?

— Ўзбекистон Президенти Мирзиёев Жаноби Олийларнинг Японияга ташрифи арафасида менга интервью бериш им-

конияти яратилганидан мамнунман. Таъкидлашим керак, Ўзбекистон Япония учун муҳим ҳамкор бўлгани сабабли бу ташриф стратегик шериклигимизда муҳим қадам бўлади. Япония — Ўзбекистон стратегик ҳамкорлиги ҳозирда янги bosқичга ўтмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг икки давлат ҳукуматлари ўртасида қатор ҳамкорлик дастурлари йўлга қўйилган.

► Давоми 2-бетда


ШОНЛИ ТАРИХНИНГ ОЛАМШУМУЛ НАТИЖАЛАР ҚЎШИЛГАН НАВБАТДАГИ САҲИФАСИ



Йил сарҳисоби



Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги Ўзбекистон тамойилининг кенг жорий этилиши халқимиз юрагига интилувчанлик, орзумандлик туйғуларини жо этди. Бу, ўз навбатида, ғуруримизни юксалтирадиган муваффақиятлар салмоғининг йилдан йилга ортишига сабаб бўлди. Айниқса, 2025 йилда спорт соҳасида қўлга киритилган натижалар Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўси юксалиши, саломатлик ҳаракати кенг ёйилишида муҳим аҳамиятга эга.



Дарҳақиқат, ўтаётган йил спорт соҳасида мазмунан янги bosқични бошлаб берган, тарихий ютуқлар билан ёдда қолдиган давр бўлди. Юртимизда спорт мактаблари, замонавий спорт иншоотлари фаолияти сифат жиҳатидан янги bosқичга чиқиб, иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Ўзбек спорти тарихида қайд этилган натижалар миллий спорт мактабининг салмоқли салоҳиятини намоён қилди.

Шу билан бирга, бу йил оммавий спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунгазам шугулланишга қизиқиш сезиларли даражада ортди, жисмоний фаолият одатий ҳаёт тарзига айлана бошлади.

Спорт вазирлиги маълумотига кўра, аҳолини соғлом турмуш тарзи, оммавий жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш

мақсадида йил давомида ўтказилган 82 минг 45 та спорт мусобақаси ва тадбирларида 10 миллион 400 минг киши, жумладан, 4 миллион хотин-қиз иштирок этган.

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида 5 bosқичли “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ташкил этилган оммавий спорт мусобақаларида иштирок этиш истагидаги 7,3 миллионга (шундан 3,4 миллион нафари қизлар) яқин ёшлар Stashabbus.uz сайти орқали электрон рўйхатдан ўтган. Уларнинг 6,6 миллион нафари ёки 78 фоизи оммавий спорт мусобақаларида иштирок этган. Маълумот учун: 2023 йилда 6,3 миллион, 2024 йилда 6,5 миллион ўғил-қиз оммавий спорт мусобақаларида қатнашган.

Мазкур спорт мусобақалари маҳаллаларнинг 16-30 ёшли аҳолиси ўртасида 13 та спорт тури — енгил атлетика, стол тенниси, воркуот, шахмат, шашка, армрестлинг, волей-

бол, стритбол, кураш, футбол, мини футбол, гандбол, гимнастрада бўйича 5 bosқичда март-август ойларида ташкил этилди.

Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар хизмат жойлари, бошқарув тизимининг турли бўғинларида ҳам йўлга қўйиб борилди. Бу спортнинг кундалик ҳаётимиздаги ажралмас қисмга айланishiга хизмат қилди.

Жорий йил апрель-май ойларида “Соғлом танди — сифатли таълим” шiori остида “Қасаба уюшмаси кубоги” учун умумтаълим мактаблари ходимлари ўртасида мини футбол, волейбол, шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича уч bosқичли оммавий спорт мусобақалари ўтказилди. Уларда 10 мингдан зиёд мактабда фаолият юритаётган 280 минг ходим иштирок этди.

Шунингдек, жорий йилда вазирлик, идора ва ташкилотларнинг куйи тизимдаги (туман,

шаҳар) ходимлари учун алоҳида мусобақалар ўтказилди. Спортнинг 5 тури бўйича 2 bosқичли спорт мусобақалари июль-август ойларида ташкил этилди. Мусобақаларда идора ва ташкилотларнинг 28 мингдан ортик ходими иштирок этди.

Илгари спорт соҳасида муаммолар қалшиб ётар, уларнинг аксарияти йиллар давомида тўпланиб қолган, соҳанинг барқарор ривожига тўсқин бўлиб келган масалалар эди. Бугун эса ушбу муаммоларга юзма-юз қараб, уларни яшириш ёки кечиктириш эмас, балки изчил ва аниқ механизмлари орқали баргараф этиш йўли танланди. Натijaда бошқарувада парокандалик, инфратузилмадаги етишмовчилик, кадрлар тайёрлашдаги нуқсонлар ва оммавий спорт билан юқори натижалли спорт ўртасидаги узиллишлар bosқичма-bosқич ўз ечимини топди.

► Давоми 3-бетда

Бизнинг суҳбат



ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИШ — РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Бугунги глобал иқтисодиёт шароитида миснинг аҳамияти кескин ошиб, у стратегик ресурс сифатида олтин билан тенглаштирила бошланди. Агар олтин асрлар давомида қийматни сақлаш воситаси бўлиб хизмат қилган бўлса, мис XXI асрда иқтисодий ўсиш, рақамлаштириш ва технологик тараққиётни таъминловчи асосий ресурсга айланди.

Замонавий иқтисодиёт электр энергияси, маълумотлар узатиш ва автоматлаштиришга таянади. Электр тармоқлари, дата-марказлар, телекоммуникация инфратузилмаси, электромобиллар, қайта тикланувчи энергия манбалари — буларнинг барчасида мис ҳал қилувчи ўрин тутди. Айниқса, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва sanoатни электрификация қилиш мисга талабни узоқ муддатли ва барқарор ўсиш

йўлига олиб чиқди. Шу боис, бугун мис оддий хомашё эмас, балки давлатлар ва йирик корпорациялар учун стратегик активга айланмоқда. У энергетик хавфсизлик, sanoат барқарорлиги ва технология мустақиллиги билан бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда.

► Давоми 4-бетда



ТҮРТ ФАСЛАДА ҲАМ УЗУМ АРИМАЙДИГАН ХОНАДОН

6



АНИҚ СТАТИСТИКА САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯДИР

5

ТРАНСКАСПИЙ ТРАНСПОРТ ЙЎЛАГИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ

Бугун Ўзбекистон ва Туркменистоннинг транспорт соҳасидаги ҳамкорлиги стратегик аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё боғлиқлигининг янги архитектурасини шакллантиради ва минтақанинг Евроосиё маконига чиқиши учун қўшимча имкониятлар яратди. Икки давлатнинг Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб асосий транзит йўналишлари чорраҳасида жойлашгани логистика, мультимодал ташувлар ва рақамли ечимлар соҳасидаги қўшма лойиҳаларга юқори талабни белгилайди.

Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли минтақада яхши кўшничилик ва ишонч муҳити мустаҳкамланмоқда, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик ва интеграция чуқурлашмоқда. Шу жумладан, Туркменистон билан ҳамкорлик ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Президентимизнинг шу йил 11-12 декабрь кунлари ушбу давлатга амалий ташри-

фи доирасида Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашувида қайд этилганидек, йил бошидан буён товар айирбошлаш қарийб бир миллиард долларга етди. “Шовот-Тошовуз” чегараолди савдо зонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

► Давоми 2-бетда

Кенжи ҲИРАТА:

“ЯПОНИЯ – ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ЧИҚМОҚДА”



Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда биз мутлақо бошқача Ўзбекистонни кўряпмиз. Янги Ўзбекистон дунёга очик ва хорижий давлатлар билан алоқалар орқали модернизацияга эришишга интилоқда. Бу жараёнда тўғридан

лойиҳаларини устувор йўналиш сифатида белгиламоқда. Ушбу муҳим соҳада икки давлат қандай қўшма ташаббусларни амалга ошириши мумкин?

— Бу борада кўплаб аниқ йўналишлар мавжуд. Қайта тикланувчи энергияни ривожлантириш ёки энергия самарадорлигини ошириш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш имкониятлари жуда кўп. Алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган соҳалардан бири иқлим ўзгаришига қарши курашишда қўлла-ниладиган қўшма кредитлаш механизми. Ҳозирча биз аниқ лойиҳаларни шакллантириш устида ишлаяпмиз. Яқин келажақда бундай лойиҳалар, албатта, амалиётга татбиқ этилади.

Биз Япония технологиялари ва яшил трансформация борасидаги тажрибаси Ўзбекистон интилаётган “яшил иқтисодиёт” ривожига катта ҳисса қўша олади деб ҳисоблаймиз. Шу боис, ҳар икки томон манфаатига хизмат қиладиган ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида аниқ ва амалий лойиҳалар ишлаб чиқилишига умид қиламиз.

“ БУГУН С5 ЁКИ С6 МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШИ ОДДИЙ ВА ТАБИЙ ҲОЛ БЎЛИБ ҚОЛДИ. АММО 2004 ЙИЛДА ЯПОНИЯ “С5+1” ФОРМАТИНИ БОШЛАБ БЕРГАН ПАЙТДА ВАЗИЯТ МУТЛАҚО БОШҚАЧА ЭДИ. ШУНДАН БУЁН ҚАНЧАЛИК КАТТА ЙЎЛ БОСИБ ЎТИЛГАНИНИ КЎРИШИМИЗ МУМКИН.

тўғри хорижий инвестициялар ва савдо муҳим роль ўйнайди ва бу, асосан, хусусий сектор қўлидадир. Шу сабабли Япония — Ўзбекистон стратегик ҳамкорлигининг келажаги, асосан, хусусий секторга қаратилган. Албатта, ҳукуматлар хусусий секторни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Шу боис, ҳамкорлик суратини сақлаб қолиш ва уни янада кучайтиришга интиламиз.

— Сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик алоҳида уруғ бердингиз. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни тилга олишимиз керак — бу маданий дипломатия, маданий алоқадорлик ва таълим соҳасидир. Бунга

— Сўхбатимизнинг энг муҳим қисми, яъни қўтилаётган “Марказий Осиё ва Япония” мулоқоти тўхталмас. Ушбу формат гўялар ва ташаббуслар алмашиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда “Марказий Осиё +” формати илк бор Япония билан бошланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу нуқтага назардан қараганда, ушбу формат дунёда ҳозиргача қандай асосий ютуқларга эришилди ва келажақда қайси истиқболли ташаббусларни амалга ошириш кўтилмоқда?

— “Марказий Осиё + Япония” саммитининг биринчи бошқичи самарали ўтишига ишонамиз. Бугунги кунда Президент



“ БИЗ ЯПОНИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЯШИЛ ТРАНСФОРМАЦИЯ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ ЎЗБЕКИСТОН ИНТИЛАЁТГАН “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” РИВОЖИГА КАТТА ҲИССА ҚЎША ОЛАДИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ. ШУ БОИС, ҲАР ИККИ ТОМОН МАМЛАКАТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА АНИҚ ВА АМАЛИЙ ЛОЙИҲАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИГА УМИД ҚИЛАМИЗ.

халқ дипломатияси, япон тилини ўқитиш, талабалар алмашинуви каби кўплаб йўналишларни мисол келтиришимиз мумкин. Сизнингча, ушбу соҳада икки томонлама муносабатларни янги бошқича кўтаришга нималар туртки бўла олади?

— Инсон ресурсларини ривожлантириш доимо муносабатларимиз марказида бўлиб келган. Япония ҳукумати Ўзбекистонлик ёшлар учун қатор стипендия дастурларини тақдим этиб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонлик 2400 дан ортиқ ёш Японияда таҳсил олмоқда. Шундан буён қанчалик катта йўл босиб ўтилганини кўришимиз мумкин. Менимча, ушбу “С5+1” форматининг энг муҳим томони ўзаро ишонч ва бирдамлик муҳитини шакллантиришдир. Бу осон иш эмас, албатта, у узоқ вақт талаб этади. Шунга қарамай, Япония бу форматга асос солганидан фахрланамиз. Бугун эса амалий жиҳатдан катта ижобий ўзгаришларни кўриб турибмиз. Шу сабабли Япония — Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги ва шериклигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга, энг аввало, ўзаро ишончнинг мустаҳкамлаш орқали ҳамроҳ бўлиб келаётганидан жуда мамнунмиз.

Шавкат Мирзиёевнинг етакчилиги ва ташаббуси туфайли бошқа Марказий Осиё давлатларининг ҳам ушбу форматга қизиқиши, кенг қўламли ҳамкорликка интилиши ошмоқда. Ўзаро таширлар одатий ҳолга айланган. Сув ресурсларини бошқариш, чегара назорати, иқлим ўзгариши ва бошқа масалалар бўйича доимий мулоқотлар кечмоқда.

Бугун С5 ёки С6 мамлакатларининг ҳамкорлик қилиши оддий ва табиий ҳол бўлиб қолди. Аммо 2004 йилда Япония “С5+1” форматини бошлаб берган пайтда вазият мутлақо бошқача эди. Шундан буён қанчалик катта йўл босиб ўтилганини кўришимиз мумкин. Менимча, ушбу “С5+1” форматининг энг муҳим томони ўзаро ишонч ва бирдамлик муҳитини шакллантиришдир. Бу осон иш эмас, албатта, у узоқ вақт талаб этади. Шунга қарамай, Япония бу форматга асос солганидан фахрланамиз. Бугун эса амалий жиҳатдан катта ижобий ўзгаришларни кўриб турибмиз. Шу сабабли Япония — Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги ва шериклигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга, энг аввало, ўзаро ишончнинг мустаҳкамлаш орқали ҳамроҳ бўлиб келаётганидан жуда мамнунмиз.

“Дунё” АА

Халқаро ҳамкорлик

ТРАНСКАСПИЙ ТРАНСПОРТ ЙЎЛАГИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ



Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида таъкидлаганидек: “Аста-секин Марказий Осиёнинг янги минтақавий ўзига хошлиги вужудга келмоқда. Бу фарқи жиҳатларимизни эътироф этиш ва аниқ пайтда халқларимизнинг умумий тарихи, муштарак маданиятини, тақдирларимиз ўзаро боғлиқ эканини чуқур англашга асосланади. Қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти — барчанинг ютуғи, деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланмоқда”.

Ўзбекистон ва Туркменистон ҳамкорлиги ушбу тенденцияни яққол акс эттиради: инфратузилма лойиҳаларини синхронлаштириш кучайтириш ва транзит тартиб-таомилларини соддалаштириш орқали мамлакатлар янада рақобатбардор ва барқарор логистика занжирлари учун замин яратмоқда.

2025 йилнинг 9 ойида мамлакатларимиз ўртасида юк ташиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 фоиз ошиб, 1,3 миллион тоннани ташкил этди. Ташувларнинг энг катта улуши автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади, бу эса уни икки давлат ўртасидаги транспорт алоқасининг асосий элементларидан бирига айлантиради.

Транскаспий транспорт йўли ва ўзаро боғлиқлик бўйича ўтган ойда пойтахтимизда ўтказилган инвесторлар форуми Европа Иттифоқи, Қора денгиз бўйи ва Марказий Осиё давлатлари вакиллари билан майдонга тўплаб, ўзаро ҳамкорлик ва боғлиқлик кун тартибидан илгари суришга замин яратгани билан аҳамиятли бўлди.

Зеро, биринчидан, бугунги кунда Транскаспий йўлига Хитой, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатларини Европа билан боғлайдиган асосий йўналишлардан бири сифатида шаклланимоқда. Халқаро ташкилотлар экспертларининг баҳолашича, 2030 йилга бориб ўрта йўлак орқали ташиладиган юклар ҳажми йилга 10-11 миллион тоннага етади. Шу боис, Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда ушбу йўналишни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

2024 йилда Ўзбекистоннинг Транскаспий йўлига орқали юк ташиш ҳажми барқарор ўсишни намойиш этиб, бир миллион тоннадан ошди, бу 2019 йилдагидан беш баробар кўпдир.

Иккинчидан, форум доирасида транспорт ва логистика бўйича ўзаро боғлиқликнинг “юмшоқ” ва “қаттиқ” жиҳатлари — меъёрий-ҳуқуқий базани уйғунлаштириш, инфратузилмага инвестициялар ва савдо йўлақларини рақамлаштириш бўйича тематик сессиялар ўтказилди. Мунозаралар давомида қўшма мувофиқлаштириш минтақавий шериклиги қандай мустаҳкамлаши мумкинлиги кўриб чиқилди. Иштирокчилар қўшма инвестиция лойиҳаларининг устувор йўналишларини белгилаб олди.

Ноябрда пойтахтимиз мезбонлигида ўтказилган яна бир йирик халқаро анжуман — Марказий Осиё — Европа Иттифоқи учинчи иқтисодий форуми ҳам давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, шу жумладан, транспорт-логистикани ривожлантиришга замин яратганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Жумладан, минтақавий мулоқотни мустаҳкамлаш ва аниқ пайтдаги долзарб масалаларга биргаликда ечим ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон ва ЕИ ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман янги иш ўринлари яратиб, қўшма лойиҳалар устида ишлаш, барқарорликни таъминлаш каби йўналишлар ривожига муҳим аҳамият касб этди. Форумда 32 мамлакатдан вакиллар иштирок этгани ҳам минтақаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар қачонгидан яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Форум аҳамиятига келадиган бўлсак, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо ҳажми сўнгги етти йилда тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврога етди. Европа Иттифоқи сўнгги ўн йилда 100 миллиард евродан ортиқ тўғридан тўғри инвестиция киритиб, минтақанинг асосий инвестори бўлиб қолмоқда.

ранспортда ташиш ҳажми барқарор ўсишни кўрсатмоқда. 2024 йил август ойда Фарап автомобиль йўллари божхона постининг қайта қурилган мажмуаси фойдаланишга топширилиши минтақавий транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Модернизация натижасида объектнинг ўтказувчанлик қобилияти кунига 1000 та транспорт воситасигача ошди, бу аввалги кўрсаткичдан икки баравар кўпдир.

Инфратузилма янгиланиши нафақат йўлакнинг ўтказувчанлик қувватини кучайтирди, балки мамлакатлар ўртасидаги савдо оқимларини кўпайтириш учун қўшма имкониятлар яратди. 2025 йилдан бошлаб Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида иккала

Хамкорликни кенгайтириш мақсадида 2025 йил август ойда Туркманбоши шаҳрида Ўзбекистон Транспорт вазирлиги ва Туркменистон Давлат денгиз ва дарё транспорти хизмати ўртасида кема-созлик соҳасидаги ҳамкорликни назарда тутувчи англашув меморандуми имзоланди.

Шу билан бирга, йўналишларнинг барча иштирокчилари учун транзит ўсишини таъминлайдиган халқаро транспорт йўлаклари жадал суръатда ривожланимоқда.

Масалан, улاردан бири Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон, Грузия ва Туркияни бирлаштирган, 2019 йилдан буюн фаолият юритаётган “КАСКА+” йўналишидир. Олти йил ичида уни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди, юк ташиш учун 70 фоизгача тариф имтиёзлари жорий этилди ва операторларга қўлай шарт-шароитлар яратилди. Натижада 2024 йилда Ўзбекистон юк йўналиши бўйича экспорт ва импорт юлари ҳажми 1 миллион тоннани ташкил этди.

Мазкур йўлакни ривожлантириш учун Туркманбоши порти орқали ултусиз юк ташишни таъминлаш, бандаргоҳларни чуқурлаштириш ва паромлар сонини кўпайтириш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш муҳимдир.

Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон ва Туркия орқали мувофиқлаштириш йўналишини ривожлантириш устида иш олиб борилоқда. Жумладан, 2023 йил ноябрь ойда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ вазирлари йиғилиши доирасида тўрт давлат ўртасида Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Туркия халқаро мултимодал йўлининг шакллантириш бўйича транспорт соҳасидаги гишви вазирларнинг кўп томонлама учрашуви баённомаси имзоланди.

Унинг амалга оширилиши Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатларини Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон ва Туркия худудлари орқали Европа Иттифоқи давлатлари билан боғлаш имконини беради, бу эса янги барқарор логистика йўлини яратди.

Йўлакни ривожлантириш учун Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон ва Туркия темир йўллари орқали юк ташиш нархларини рақобатбардор қилиш ва қўлай шароитлар яратиш, меъёрий-ҳуқуқий ва техник стандартларни бирхиллаштириш, иштирокчи давлатларнинг транспорт алоқаларини кучайтириш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимдир.

Авиация ҳамкорлиги соҳасида 2025 йил 22 август кунини Туркманбоши шаҳрида Ўзбекистон Транспорт вазирлиги ва “Туркменистон ҳаво йўллари” ўртасида фуқаро авиациясида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида протокол имзоланди, унда мамлакатлар ўртасида мунтазам авиакатновларни қайта тиклашни ташкил этиш кўзда тутилган.

Ташкил ҳажми ортиши, йўналишлар диверсификациялашуви ва технология ҳамкорлик даражаси юксалиши Ўзбекистон ва Туркменистон минтақавий инфратузилманинг бир-бирини тўлдирувчи элементлари сифатида майдонга чиқаётган Марказий Осиёнинг янги логистика маконини яратмоқда.

Транспорт йўлақларини модернизациялаш, жараёнларни рақамлаштириш ва юк эгалари учун қўлай шарт-шароит барпо

“ ТУРКМЕНИСТОН ҲУДУДИ ОРҚАЛИ КАСПИЙ ДЕНГИЗИДАГИ ТУРКМАНБОШИ ВА ФОРС КЎРФАЗИДАГИ БАНДАР АББОС ПОРТЛАРИГА БАРҚАРОР ЛОГИСТИКА ЙЎЛИ МАВЖУД, БУ КАВКАЗ, ТУРКИЯ, ЕВРОПА ВА ЯҚИН ШАРҚ ЙЎНАЛИШЛАРИДА МУЛЬТИМОДАЛ ТАШУВЛАР ИМКОНИЯТИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА КЕНГАЙТИРАДИ.

Шунингдек, Европа Иттифоқи томонидан тақдим этилган GSP ва GSP+ режими мунтақа давлатларига Европа бозорига барқарор кириш имконини яратиб, миллий ишлаб чиқаришни модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этапти.

Форумда томонлар ўртасида эришилган келишувлар эса минтақадаги савдо алоқаларини янада кенгайтириш, иқтисодий инвестициялар ҳажминини ошириш, Ўзбекистонни Шарқ ва Ғарбни боғловчи стратегик транзит марказига айлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Умуман, ҳар икки форумда эришилган келишувлар минтақаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожини янги бошқича олиб

мамлакат ҳудудида автомобиль транспортда ташиш учун йиғим ва тўловлар бўйича тенг шартларни белгилаш тўғрисида келишувга эришилди. Бу ташувчилар учун шаффоф ва тенг шароитларни таъминлайди, ташиш харажатларини камайтиради, транзитни соддалаштиради ва автомобилда ташувлар самарадорлигини оширади.

Бундан ташқари, икки томонлама муносабатларда алоҳида ўрин тутадиган темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Туркменистон ҳудуди орқали Каспий денгизидagi Туркманбоши ва Форс кўрфазидagi Бандар Аббос портларига барқарор логистика йўли мавжуд, бу Кавказ, Туркия,



чиқади. Ҳамкорликдаги йирик лойиҳалар доирасида барпо этиладиган янги ишлаб чиқариш қувватлари, йўлга қўйиладиган янги механизмлар иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Муҳими, транспорт-логистика тизимида яратилаётган қўлайликлар денгиз йўлларида олисда жойлашган минтақамиз давлатлари учун янги имкониятдир.

Европа ва Яқин Шарқ йўналишларида мултимодал ташувлар имкониятини сезиларли даражада кенгайтиради.

Темир йўл маъмуриятларининг биргаликдаги ишлари тугатув станцияларининг ўтказувчанлик қувватини ошириш, тариф ечимларини оптималлаштириш ва контейнер хизматларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу ташувлар тезлиги ва барқарорлигини ошириш имконини беради.



— Бу йўналишда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг транспорт соҳасидаги ҳамкорлиги стратегик аҳамият касб этади, — дейди Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази бошқарма бошлиғи Дилдора Ибрагимова. — Чунки Туркменистон ҳудуди орқали ўтадиган йўналишлар Ўзбекистонга Каспий денгизи, Яқин Шарқ ва Эронга чиқиш имконини беради, бу эса уларни ташқи савдонинг диверсификациялаш учун асосий йўналишига айлантиради. Ўтказиш пунктларини модернизациялаш, жараёнларни оптималлаштириш ва рақамли воситаларни жорий этиш туфайли автот-

Шу билан бирга, ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган тариф сиёсати транзитни рағбатлантиришнинг асосий воситаларидан бирига айланади. Туркменистон ва Ўзбекистон орқали ташиладиган юклар тури ва ҳаракатлари ниш йўналишига қараб 50 фоизгача чегирмалар тақдим этилмоқда. Бу транзитнинг барқарорлигига ёрдам беради ва ташувчилар учун ишончли шарт-шароитларни шакллантиради.

Мултимодал занжирларни ривожлантиришда Туркманбошининг денгиз инфратузилмаси алоҳида аҳамиятга эга. Замонавийлаштирилган халқаро порт Транскаспий алоқасининг асосий тугунларидан бирига айланади.

этиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар узоқ муддатли ривожланиш учун мустаҳкам пойдевордир.

Келгусида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш минтақанинг Евроосиё транспорт тармоғига транспорт жиҳатидан интеграциялашуви, йўналишлар рақобатбардорлигини кучайтириш, янги логистика муқобиларини яратиш ва Марказий Осиёни китъанинг асосий транзит марказига айлантиришда муҳим омил бўлади.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ШОНЛИ ТАРИХНИНГ ОЛАМШУМУЛ НАТИЖАЛАР ҚЎШИЛГАН НАВБАТДАГИ САҲИФАСИ



Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бегда

Бир пайтлар айрим спорт турлари бўйича ўтказилган мамлакат миқёсидаги чемпионат ва расмий мусобақаларни биров билиб, биров билмай қоларди. Қайси спортчи қандай натижа қайд этгани мамлакат спорт нашрлари тугул, худудлардаги спорт ташкилотларида, алоҳида спорт мактабларида, спорт ташлими йўналишларида таҳлил этилмас, мониторинг ишлари ўлда-жўлда эди.

Бугун эса вазият тубдан янги, тезкор, шиддатли кўринишга келди. Юртимизда спортчиларни рўйхатга олишнинг ағона электрон тизими жорий этилиши натижасида ҳозир нафақат Ўзбекистон чемпиони, балки худудий мусобақалар, уларда қатнашаётган ёш спортчиларнинг натижалари тегишли спорт федерацияларида, таълим муассасаларидаги мутахассислар иштирокида кўриб чиқишмоқда, таҳлил этилмоқда. Спортчиларга унвон ва разрядлар бериш тизимида шаффофликни таъминлаш ишларида ижобий кўрсаткичлар қайд қилинмоқда.

Жорий йилнинг орта қолган ойлари якунига кўра, мамлакатимиз бўйича умумий ҳисобда 27 минг 167 нафар разрядли ва унвонли спортчи тайёрланди. Шундан 26 минг 707 нафари разрядли, 460 нафари унвонли спортчилардир. Натижада улар сон ўтган даврга нисбатан 14,5 фоиз ошди.

Спорт йилномаси: сифат жиҳатидан янги босқич, янги даража

Кейинги йилларда кундалик турмуш тарзимизга “Беш ташаббус олимпиадаси”, “Олимпия чўққилари” каби ўнлаб ағона ва тушунчалар кириб келди. Бу нафақат давлат ташкилотларида меҳнат қилаётган мутахассисларни, балки мамлакатимиздаги барча тармоқлар, аҳоли қатламларини ағона мақсад сари бирлаштирди.

Шу мақсадда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонда спорт орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқро майдонда рақобатбардош терма жамоаларни шакллантириш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган.

Жорий йилда олимпия йўналиши дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари 250 дан ортқ нуфузли халқро мусобақаларда муносиб иштирок этди. Хусусан, III ёшлар Осиё йўналиши, VI Ислам бирдамлиги йўналиши, шунингдек, олимпия спорт турлари бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Осиё ва жаҳон кубоклари ва бошқа мусобақаларда 500 дан ортқ спортчинининг иштироки учун зарур шарт-шароит яратилди.

Дзюдо, таэквондо WT, қиличбозлик, гимнастика, синхрон сузиш, сузиш, эркин кураш, аёллар кураши, юнон-рум кураши, академик эшак эшиш ҳамда оғир атлетика бўйича миллий терма жамоаси аъзолари олимпия йўналиши дастурига киритилган спорт турлари бўйича 20 га яқин жаҳон чемпионатида қатнашди.

Миллий курашни дунё миқёсида оммалаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Бу сўнгги йилларда кўплав давлатлар жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқро мусобақалар юқори савияда ўтказилганида ўз аксини топди.

Жорий йилда Тожикистон ва Туркманистонда халқро мусобақалар, Вьетнамнинг Вунг Тау шаҳри ва Жанубий Кореянинг Анянг шаҳридаги мусобақалар ҳамда бошқа йирик тадбирлар доирасида 8 та халқро кураш мусобақаси ташкил этилиб, уларда 1800 дан зиёд спортчи иштирок этди. Бу курашнинг қитъалар орасида тобора кенг оммалашаётганидан далолат беради.

Олимпия ҳаракатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида футболга катта эътибор қаратила бошлади. Спорт вазирилик тизимидаги таълим муассасалари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси хузуридаги футбол академиялари ва мактаблари, шунингдек, профессионал футбол клубларининг футбол академияларида шугулланувчилар сони 32 минг 333 кишига етказилиб, рақобатбардош футболчилар захираси шакллантирилди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Терма жамоаларимизнинг йирик халқро мусобақалардаги иштироки, кўпайиб бораётган медаллар сони ва спорт инфратузилмасининг кенгайиши жаҳон спорт харитасида янги Ўзбекистон қиёфасини янада ёрқин намоеён этаётир.

2025 йил якунига кўра, спорт таълими муассасаларига қўшимча 58 минг 482 иқтидорли спортчи ўғил-қиз қабул қилиниб, натижада мунтазам шугулланувчилар сони 11,5 фоиз ошди. Мамлакат бўйлаб 300 дан ортқ спорт мактаби ва ихтисослаштирилган спорт таълими муассасалари ташкил этилаётгани жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланувчилар улусининг 30 фоизга етишига замин ҳисобланади.

Спорт мактабларида аҳоли сони ва худудларнинг ихтисослашувини инобатга олган ҳолда, олимпия спорт турлари бўйича 200 дан ортқ янги спорт секцияси иш бошлади. Мазкур саъй-ҳаракатлар, яратилган қўлайликлар келгусида жаҳонда маҳоратли спортчиларни тайёрлаш борасидаги ишларни, мурабийларнинг салоҳиятини мониторинг қилиб бориш, таҳлил этиш, зарур хулосалар чиқаришга майдон яратди.

Президентимиз ташаббуси ва давлат дастурларида белгиланган йўналишлар орқали спорт соҳаси нафақат соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, балки мамлакатимиз нуфузли иш халқро майдонда юксалтиришнинг асосий воситасига айланиб улгурди.

Ислохотлар жараёнида асосий эътибор “Соғлом авлод — соғлом келажак” тамойилига қаратилган. Зеро, кучли давлат курашининг, жамиятда маънавий ва интеллектуал юксалишга эришишнинг пойдевори соғлом ва баркамол авлоддир. Шу боис, юртимизда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, оммавий спортни кенг тарғиб қилишга катта аҳамият берилаетир.

Хусусан, мамлакатимизда 2017-2024 йиллардаги ислохотлар жараёнида спортни ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спортга қизиқишини оширди. Натижалар эса бирма-бир бўй кўрсатди. Мисол учун, 2024 йилги Париж олимпия ва паралимпия йўналишида юртимиз спортчилари

Бунёдкор академияси майдонлари ва турли худудий стадионларда ўтказиларди. Бир вақтнинг ўзида бир неча терма жамоани тайёрлаш имконияти чекланганди. Футбол мутахассислари тайёргарлиги ҳам тўлиқ йўлга қўйилмасди. Мурабий ва ҳакамлар курслари алоҳида ўтказилгани билан илмий-тадқиқот ёки таҳлил марказлари йўқ эди. Замонавий селекция тизими ҳам йўлга қўйилмагани учун иқтидорли ёшларни саралаш мураккаб кечарди. Шунингдек, футбол тиббиёти соҳасида ҳам катта бўшлиқлар бор эди. Жараҳатланган футболчилар кўпинча хоризда даволанишга мажбур бўларди. Замонавий тренажёрлар, криотерапия каби тикланиш усуллари мавжуд эмасди. VAR тизими айрим стадионларда қўлланган, аммо марказлашган кузатув мажмуаси йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қисқа муддатда барпо этилган Миллий футбол маркази барча йўналишни бирлаштирувчи замонавий платформа сифатида иш бошлади.

Марказда бир вақтнинг ўзида 6 та терма жамоа ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши мумкин. Иншоот таркибига стадионлар, ўқув бинолари, спорт заллари, меҳмонхона, шунингдек, пляж футбол майдони, футбол манежи, бассейн ва реабилитация бўлими кирди. Бу ечимлар спортчининг кундалик машғулотидан тортиб, тикланишигача узлуксиз занжир ҳаракатини таъминлайди. Натижада вақт тежаллади, сифат ошди, хавфсизлик кафолатланади.

Мажмуада футболчи ва мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиладиган тўртта ядро тузилма ташкил этилган: Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази, Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази, Республика футбол академияси ҳамда Спорт тиббиёти ва реабилитация маркази. Шу билан бирга, “VAR маркази”нинг ўрнатилиши бошқарув, таҳлил ва ҳакамлик маданиятини янги поғонага кўтарди. Натижалар ошқора, қарорлар тезкор, маълумотлар эса метрикаларга таянади.

Академияда ёш истеъод эгаларини аниқлаш ва тарбиялаш тизими халқро қондаларга мос равишда йўлга қўйилган: Аргентина, Венгрия, Хорватия каби давлатлардан мутахассислар жалб этилиши ўқув дастурларини мазмунини бойитида, тренерлик, ҳакамлик, селекция ва таҳлил соҳаларида интеграл қобилиятни шакллантиради. Бу ёш футболчининг



негизида Миллий футбол маркази ташкил этилди. Шу билан бирга, футбол бўйича илмий-тадқиқот ва услубий марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Кенг қўламли саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон футболининг турли ёш тоифаларидаги жамоалари халқро ареналарда муносиб натижаларга эришиб келмоқда. Сўнгги йилларда U-17, U-20 ва U-23 терма жамоаларимиз жаҳон чемпионатлари ва олимпиадага чиқишдек юксак натижаларга эришти. Энди эса ушбу баркамол авлод ва миллий тизимда шаклланган замонавий футбол фалсафаси миллий терма жамоамизни ҳам жаҳон чемпионати саҳнасига олиб чиқди.

Президентимизнинг 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, тренер ва ҳакамларни халқро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштиришда муҳим замин бўлди.

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) шафелигида ҳар икки йилда бир марта ўтказилган “Ўзбекистон футбол федерацияси”нинг миллий жамоамиздан ташқари профессионал клубларимиз учун ҳам катта имконият яратди. Энди нуфузли халқро мусобақаларни юртимизда ўтказиш, дунё футбол элитаси билан ҳамкорлик қилиш имкони пайдо бўлмоқда.



Ана шундай нуфузли мусобақанинг бу галгиси Саудия Арабистонида ташкил этилди. Унда қитъамизнинг 16 жамоаси 4 гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик ва Қатарда ўтқадиган мундаил йўлнамаси учун куч синашди.

Қарий бир ой давом этган Осиё кубоги баҳсларининг сўнгги — ҳал қилувчи ўйини Саудия Арабистони ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида Тоиф шаҳридаги “Подшоҳ Фахд” стадионида ўтказилди. Ўзбекистон футбол федерацияси Саудия Арабистони терма жамоасини 2:0 ҳисобида ютиб, ўз тарихида иккинчи марта Осиё чемпиони бўлди.

Зафарлар зафарларга уланиб, шундай қизгин паллага кириб келди: илгари футболда ўз ўрнини топа олманган, яшил майдонларда тан олинмаган мамлакат бутун нафақат миллий терма жамоасини халқро майдонларда намойиш этиш имконига эга бўлди, балки бўлгуси йирик жаҳон чемпионатларида меҳмонлик қилиш салоҳиятига ҳам эришти.

Жорий йил 2 октябрь куни ФИФА кенгаши йиғилишида футбол бўйича 20 ёшгача бўлганлар ўртасида 2027 йилги жаҳон чемпионатини Ўзбекистон ва Озарбайжонда ўтказиш қарори қабул қилинди. Унинг доирасидаги ўйинлар икки мамлакатдаги 3 тадан стадионда ўтказилди. Финал ва ярим финал ўйинлари сизини ФИФА талабларидан беришти.

Шу боис, мамлакатимиз футбол учун муҳим яна бир йирик лойиҳа — Янги Тошкент стадиони қурилишига старт берилди. Президентимиз 11 ноябрь куни замонавий футбол стадиони қурилишига тамал тоши қўйди. Янги Тошкент худудидagi барча лойиҳалар замонавий меъморлик ва миллий кадрлар уйғунлигида экологик ва “ақли” бошқарувга асосланган равишда амалга оширилади. Шу умумий концепция асосида қуриладиган янги стадион ҳам табиат билан уйғун бўлади ҳамда “яшил” энергия ва “қўлал муҳит” тамойилларига асосланади.

Янги Тошкент стадиони ФИФАнинг барча талабларига мос равишда барпо этилади ҳамда Осиёдаги энг йирик ва замонавий инфратузилмага эга футбол майдонларидан бири бўлади. Бу иншоот нафақат 2027 йилги 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионати, балки бутун ўзбек футбол ва ёшлар спортининг келгуси ривож учун ҳам хизмат қилади. 55 минг ўринли янги стадион миллий жамоамиздан ташқари профессионал клубларимиз учун ҳам катта имконият яратди. Энди нуфузли халқро мусобақаларни юртимизда ўтказиш, дунё футбол элитаси билан ҳамкорлик қилиш имкони пайдо бўлмоқда.

Президентимизнинг “2027 йилги футбол бўйича U-20 жаҳон чемпионатида тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса ушбу жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг “2027 йилги футбол бўйича U-20 жаҳон чемпионатида тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса ушбу жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Якуланаётган йилнинг хушхабарлари

Ноябрь охирида давлатимиз раҳбари бошчилигида Олимпия шаҳарчасида бошланган тантанали спорт байрами тарихий галабаларга уланиб, катта шодлиқга айланди. Президент Олимпиадаси спорт мусобақасининг тантанали очилиш маросими вақтида Ўзбек гротсейстери Жавоҳир Сидоров шахмат бўйича жаҳон кубоги соҳиб бўлгани тўғрисидаги хушхабар миллионлаб кўнгилларга гурур, шукҳу олиб кирди. Хали 20 ёшга кирмаган йиғит бутун шахмат дунёси эътиборини яна бир бор Ўзбекистонга

қарата олди. Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида ўтган жаҳон кубоги финалида у хитойлик Вей Ини таслим қилди ва шунчаки голиб эмас, тарихида энг ёш чемпион бўлди. Бу рекорд 20 йилдан буён Левон Аронян қўлида эди. Энди эса уни ўзбек йиғити янгилади.

Қолаверса, у 2026 йилги Давьогарлар турнирига йўллангани ҳам қўлга киритди. Жавоҳирнинг бу галабаси спортчиларнинг янги авлоди катта спорт майдонига юксак шижоат ва сўнмас ғайрат билан кириб келаётганини кўрсатди.

Утаётган йил давомида юртимиз спортчилари қатор комплекс мусобақаларда оламшумул натижаларга эришти. Олимпия ва паралимпия йўналишидаги спорт турларида 50 дан зиёд жаҳон ва қитъа чемпионатларида 700 га яқин медаллар шодаси қўлга киритилгани Ўзбекистон спортининг халқро нуфузи йилдан йилга юксалиб бораётганидан далолат.

2025 йил янги Ўзбекистон тарихида яна бир саҳифа очди. Спортчиларимиз Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида V Ёшлар Параоисё йўналишида тарихий галабга эришти. Шу орқали улар бир неча рекордига эришди. Осиё қитъасида 1-ўринни эгаллади. БААда 35 давлатнинг 1312 ёш параспортчиси иштирокидаги муротасида 50 нафар ҳамкорларимизнинг 99 та олтин, 57 та кумуш ва 41 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллагани янги Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини яна бир бор аққол намоеён этди.

Президентимиз жорий йил 11 декабрдаги “Паралимпия спорт турларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан параспортчи ёшларга яна бир қарра катта ишонч билдирди. Бундай имконият ва эътибор ёшларга қанот бағишлади. Давлатимиз раҳбарининг ишончидан руҳланган спортчиларимиз 35 давлатдан келган тенгдошлари орасида галабга интилиши билан ажралиб турди. Улар нафақат ютуқлари, балки ўзига ишончи, кўтаринки кайфиятда баҳсларга киришиши билан ҳам кўзга аққол ташланди. Ана шу кўтаринкилик, ишонч мусобақаларда ўз сўзини айтди. Параоисё йўналиши бўйича рекорд ва эҳсклозив натижаларга бой бўлди. Қолаверса, спортчиларимиз ўзбекистон ва Осиё рекордларини ўрнатди. Уларнинг бундай шонли ишлари халқро майдонга янги, ёш ва жасоратли спорт жамоаси кириб келаётганини кўрсатди.

Шунингдек, қарорда ногиронлиги бўлган шахсларнинг паралимпия спорт турларига қизиқишини ошириш вазифаси қўйилди. Мамлакат ривож руҳан тетик шахсларга боғлиқ. Зеро, бундай инсонларда ҳаётсеварлик, эртанги кунга ишонч кучли бўлади. Улардаги ана шу қувват бутун жамиятга ижобий таъсир қилади. Юртдошларимиз, айниқса, ёшларни спортга қизиқтириш орқали жамиятимизда мана шундай ижобий кайфият янада мустаҳкамлаиб бормоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 июлдаги “2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёғи Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори қатор имкониятлар тақдим этиш орқали паралимпия ўйинларига янада кўтаринки руҳда, ҳар томонлама пухта ҳозирлик қўришга замин ҳозирлади.

Бундай ислохотларни санашда давом этиш ва уларнинг аҳамиятини баҳолашга ҳали кўп қайтмас. Муҳимни, ушбу хабри ишлар керакли шарт-шароитни яратишга қўлайлик, имкониятлар мажмуи сифатида қаровини кенг олди. Бу эса олдимида янада юқори марраларни забт этиш вазифасини қўяди, ҳаракатларимизда энг йўналишни белгилайди ва ҳар бир қадамни режалаштиришда самарали асос бўлиб хизмат қилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



Бизнинг суҳбат

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИШ — РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ШАРТИ



Бошланиши 1-бетда

Олмалик кон-металлургия комбинати Ўзбекистонда мажмуа маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий йирик саноат субъектидир. 2025 йилда комбинат фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлиши, қандай натижаларга эришилди, келгуси режалар нимадан иборат?

“Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, сенатор Абдулла ХУРСАНОВ билан суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.

— Бугун дунё саноатда бўлаётган ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётидаги тебранишлар қутулмоқчи вазиётларга ҳар доим тайёр тушириш долзарб вазифани кўймоқда. Бундай мураккаб шариоат, айниқса, йирик саноат корхоналари жамоасини оқилона фаолият юритиш ҳамда муаммоларга тўғри ечим топишга ундайди. 2025 йил комбинат учун қандай келди? Янги жаҳон бозорида мис, олтин ва кумуш нархлари ўсиши фониди инвестиция лойиҳалари аҳамияти ўзгарди?

— Бу борада 2025 йил жамоамиз учун ўзига хос тарихий воқеаларга бой бўлди. Ёшлик-1 конини ўзлаштириш инвестициявий лойиҳаси доирасида қатор салмоқли ишлар қилинди. Жаҳоннинг энг илгор технологиялари ва юқори сифат стандартларини қўллаш ҳолда 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга 3-мис бойитиш фабрикасининг биринчи линияси ишга туширилди. Лойиҳа доирасида қатор объектларимиз ҳам фаолият бошлади. Жумладан, оҳак заводида қувурли айланма печнинг 2-тармоғи, портловчи материаллар заводида эмульсияли портловчи моддалар ишлаб чиқариш янги тармоғи фойдаланишга топширилди. Жиззах вилоятининг Форш туманида янги оҳак заводи қурилишига старт берилди.

Шу билан бирга, Ёшлик-1 кони ва унинг техника мажмуасини ташқи электр энергияси билан татминлаш мақсадида яна бир замонавий рақамлаштирилган технологик подстанция барпо этилмоқда.

3-мис бойитиш фабрикасида йилга 900 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқарилади. Ютуқ фақат ҳажмда эмас, балки жаҳоннинг етакчи саноат компаниялари технологиялари, автоматлаштириш тизимлари ва рақамли бошқарув ечимлари ягона занжирда муассамлашганда ҳам намоён бўлади. Замонавий технологиялар, рақамли бошқарув ва инсон капитални уйғунлигининг амалий намунаси бўлган фабрика тўлиқ қувватга чиққан, 3000 дан ортқ янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, янги 6-сульфат кислота ишлаб чиқариш заводи қурилиши якуний паллага етди. Ковулди кони маъданлигини қайта ишлашга мўлжалланган яна бир янги объект саралаш фабрикаси қурилишини бошлади. Ёшлик-1 конини ўзлаштириш лойиҳаси доирасида 4-мис бойитиш фабрикаси ва унинг инфратузилма объектларини қуриш бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилган. Лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири бўйича ижобий хулоса олинган. Лойиҳа доирасида кенгайтирилган геологик тадқиқотлар ўтказиш ва геологик бурғилаш ва тупроқни гидрологик тадқиқот қилиш учун қудуқ бурғилаш ишлари бажарилди. Бошқа ташкилий ва зарурий чора-тадбирлар ҳам кўрилмоқда.

Яна бир муҳим стратегик лойиҳамиз янги металлургия заводи бўлиб, унинг ишга тушиши натижасида комбинатда мис ишлаб чиқариш қуввати 148,5 минг тоннадан 300 минг тоннагача етади. Минг кишининг бандлиги таъминланади. Ушбу мажмуа қурилишининг базавий муҳандислик ҳужжатлари, тижорат тақлифи “METSO-OUTOTEK” (Финляндия, Германия) компанияси томонидан ишлаб чиқилди. Уни юридик экспертизадан ўтказишга “DENTONS” компанияси жалб қилинди. Мажмуа объектлари қурилишини молиялаштириш учун Германиянинг “KfW IPEX-Bank GmbH” банки билан 2,5 миллиард долларлик битим имзоланди.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида мис, олтин ва кумуш нархлари ўсмоқда. Бу глобал

иқтисодиётдаги технологик трансформация, “яшил” энергетикага ўтиш, геосенсий хавфлар ва стратегик ҳомашёларга талаб ортishi билан изоҳланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Олмалик кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари нафақат корхона, балки бутун Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим стратегик аҳамият касб этмоқда.

Қайд этганингиздек, мис бугунги кунда рақамли ва “яшил иқтисодиёт”нинг асосий ресурси сифатида баҳоланмоқда. Электромобиллар, қайта тикланувчи энергия манбалари, электр тармоқлари ва саноат автоматизацияси миста талабни кескин оширмоқда. Олтин эса глобал ноаниқлик ва инфляция шариоитида қийматни сақлаш воситаси сифатида

“Яшил” энергия ишлаб чиқарувчи компаниялар билан “яшил” энергия сотиб олиш бўйича шартномалар имзолаганмиз. Шундай қилиб, комбинат “яшил” энергиянинг энг йирик истеъмолчиларидан бирига айланади. Иқтисодий самара ҳозирданок сезилмоқда: электр энергияси учун тўловларда йилига 5,9 миллиард сўм тежаямиз.

тида юқори талабга эга. Кумуш ҳам саноатда, ҳам инвестицион актив сифатида аҳамиятли. Комбинатимиз айна шу учта стратегик метални ишлаб чиқарувчи йирик саноат корхонаси сифатида жаҳон бозоридаги ижобий конъюнктурадан максимал фойда олиш имкониятига эга. Янги конларни ўзлаштириш, захирани кўпайтириш, замонавий бойитиш ва қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, энергия самарадорлиги, экологик стандартларини ошириш, юқори қиймат қўшилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушини кўпайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари шуниси билан аҳамиятли. Бу лойиҳалар орқали комбинатни фақат ҳомашё етказиб берувчи эмас, балки чуқур қайта ишловчи юқори

Яна 7 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келаётган сунъий интеллект технологиялари самарали қўлланилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва замонавий ахборот тизимларини қўллаш мақсадида Қалмоққир ва Ёшлик-1 конларида кон-транспорт бошқарув тизими ишга туширилди. Натижада маълумотларни онлайн шаклда жамлаш, қайта ишлаш йўлга қўйилди. Ёшлик-1 конида экскаватор-автосамосвал оператив бошқарув тизими жорий қилинди. Конларда маркшейдерлик ишларини тезкорликда амалга ошириш мақсадида учувчисиз учуш қурилмалари



технологик саноат марказига айлантириш мақсад қилинган. Инвестиция дастурлари мамлакатимиз учун катта натижа беради.

Биринчидан, экспорт салоҳиятимиз ортади. Мис, олтин ва кумуш нархи баландлиги валюта тушумларини кўпайтириб, тўлов баланси ҳамда миллий валютани барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, саноат ривожланади. Янги қувватлар ишга туширилиб, машинасозлик, энергетика, кимё ва логистика соҳалари ўсишига тўртки беради.

Учинчидан, янги иш ўринлари яратилади, ҳудудлар ривожланади. Чунки йирик инвестиция лойиҳалари юқори малакали кадрларга талабни оширади.

Тўртинчидан, технологик мустақиллик мустаҳкамланади. Чуқур қайта ишлаш ва замонавий бошқарув тизимлари жорий этилиши Ўзбекистоннинг саноатдаги рақобатбардошлигини оширади.

Комбинатнинг инвестиция лойиҳалари халқаро доирада юқори баҳоланмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон ва Марказий Осиё тоғ-кон саноати” IV халқаро конгресси ва кўргазмасида комбинатимиз “Йил инвестициявий лойиҳаси” номинацияси голиби бўлди.

— Бугунги кунда ишлаб чиқаришни рақамлаштириш ва сунъий интеллектдан фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бу борада қандай ишлар қилинмоқда?

— Бизнес ва технологик жараёнларни автоматлаштириш, бошқарув ва операцияцион ҳолати оптималлаштириш доирасида шу йилнинг ўзида 20 та лойиҳани ишга туширдик.

қўлланилмоқда. Натижада маркшейдер ўлчаш ишлари 3 баробар тезлашиб, ходимлар хавфсизлиги оширилди.

Мис бойитиш фабрикаси технологик жараёнларида маъдан-сув нисбатларини автоматлаштириш мақсадида назорат ва ўлчов жавонлари ўрнатилди. Флотация жараёнини автоматлаштириш учун “U-Flotation” интеллектуал тизими жорий этилмоқда. У реал вақтда жараённи таҳлил этиб, бошқарув қарорларини қабул қилади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, йўқотиш ва ҳаражатларни камайтиради. Мис бойитиш фабрикасида қўшимча 3 та концентратор ўрнатилиши тўғрисида фойдаланиш қазилмаларни ажратиб олиш даражаси 3 фазга оширилди. 2-мис бойитиш фабрикасида маъдалашувчи участкаси ускуналар монтаж ва созилиши натижасида авариявий тўхташлар 30 фазга камайдди. Мис эритиш заводида автоматлаштирилган ахборот тизими тайёр маҳсулотни юклаш ва назорат жараёнларини қулайлаштирди.

Сунъий интеллект тизимини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини ошириш мақсадида Қалмоққир ва Ёшлик-1 конларида кон-транспорт бошқаруви тизими доирасида маъдан ўлчамлари, экскаватор тишларини назорат қилишдан ташқари ҳайдовчилар чарчовини кузатиш имкони пайдо бўлди. Шу кунларда маъданни бойитиш жараёнида видео таҳлил — “Машина кўз назорати” лойиҳаси жорий этилмоқда. Бундай мисоллар кўп. Муҳими, комбинатда рақамлаштириш ишга унум ва самара бермоқда.

ишляниб, ҳудуд кўламазорлаштириляпти, сув инфратузилмаси модернизация қилинмоқда. Умуман, жорий йилги фаолиятимиз атмосферага чиқиндиларни камайтириш билан боғлиқ бўлди дейиш мумкин. Жумладан, мис бойитиш фабрикаларининг ҳавони чанг ва газлардан тозалашга мўлжалланган аспирация тизимлари тўлиқ реконструкция қилинди. Асосий ва ёрдамчи объектлардаги 30 та тизим мукамал ва 130 та эскирган вентиляция-аспирация қурилмаси жорий таъмирланди. Натижада уларнинг иш самарадорлиги 99,5 фоизга етказилди.

“Мис эритиш заводининг сульфат кислота цехида чиқиндиларни автоматик таҳлил ва мониторинг қилиш ускуналари жорий этилди. Колаверса, 180 минг тонна қувватга эга янги 6-сульфат кислотаси заводи ишга туширилиши билан илгари қисман атмосферага чиқиб кетган газлар тўлиқ ушлаб қолинади. Даниянинг “FLSmidth” компаниясининг янги филтратри газни чуқур тозалаш ва қўшимча металл ажратиш олиш кўрсаткичларини таъминлайди. Эски цех фойдаланишдан чиқарилади.

Янги металлургия мажмуасида “Flash Smelting” (маъшалда эритиш) ва “Flash Converting” (маъшалда конвертерлаш) технологиялари асосида ишляйдиган замонавий печлар қурилмоқда. Янги сульфат кислотаси мажмуасида чиқинди олтингургт газни тўлиқ ушлаб қолинади ва қўшимча маҳсулот — йилга 1,8 миллион тоннагача сульфат кислотаси олишга йўналтирилади, шу билан бирга, ташлана газлар камайдди. Янги қувватлар ишга туширилмоқда, мис эритиш заводидаги эскирган ялғи қайтарувчи печь ҳам фойдаланишдан чиқарилади. Комбинатимизда чанг ва газларни тўлиқ қолувчи 980 дан ортқ ускуна ўрнатилган бўлиб, марказий таҳлил лабораторияси маълумотларига кўра, инфо-лантитуричи моддалар ҳажми ўтган йили аввалги йилдагига нисбатан 10 фоиз камайган. Жорий йилда яна 2-3 фоиз пайсади.

Икки йил аввал ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларда фотоэлектр станциялар ўрнатилиши бошланганди. Бу даврда комбинат пилот қурилмалардан барқарор қўёш генерациясини ривожлантириш дастурига ўтди. Ушбу стратегик қадам барқарор ривожланиш тамойилларига содиқлигини билдиради.

Бугунги кунда 80 дан ортқ майдонда умумий қуввати 7,3 минг киловатт бўлган станциялар ишлаб турибди. Жорий йилда улар томонидан 5,9 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, “яшил” энергия ишлаб чиқарувчи компаниялар билан “яшил” энергия сотиб олиш бўйича шартномалар имзолаганмиз. Шундай қилиб, комбинат “яшил” энергиянинг энг йирик истеъмолчиларидан бирига айланади. Иқтисодий самара ҳозирданок сезилмоқда: электр энергияси учун тўловларда йилига

5,9 миллиард сўм тежаямиз. Келгуси йилда қўшимча 1 минг 150 киловатт қувватли фотоэлектр станциялари қуриш, талаб юқори бўлган соатларда қўёш генерациясидан фойдаланиш имкони берувчи энергия сақлаш тизимларини ишга тушириш мўлжалланган.

Долзарб йўналишлардан яна бири техноген чиқиндиларни қайта ишлашдир. Комбинатнинг рух ва мис эритиш заводларидаги янги майдалаш участкаларида шу йилнинг ўзида 100 минг тоннадан ортқ мис клинкери, яъни чиқиндиларни қайта ишладан ҳосил бўладиган қолдиқлар қайта ишлатилди.

Сув йўқотишларини камайтириш ва гидротехник иншоотлар хавфсизлигини ошириш мақсадида сув ҳавзалари тозаланиб, насос ускуналари ва магистраль қувурлар герметизация қилинди. “Яшил макон” ва “Яшил белбоғ” лойиҳалари доирасида 270 гектардан ортқ майдонда 1,9 миллион туп дархат экилди.

— Кадрлар ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Янги корхоналар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш — буларнинг ҳаммасига малакали кадрлар керак. Кадрлар масаласига қандай эътибор қаратилмоқда?

— Комбинатда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга устувор йўналиш сифатида қаралади. Бугунги кунда бизда 35 мингга яқин ишчи ва муҳандис-техник ходим фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили ўртача 11 минг 500-12 минг нафар кадр малакаси оширилиб, қайта тайёрланади.

Кадрлар тайёрлаш мақсадида 26 та олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар йили комбинат таркибий корхоналарида 4000 талаба учун ишлаб чиқариш, динлом олди амалиётлари ва экскурсиялар мунтазам равишда ташкил қилинади. Аъло баҳоларда тахсил олаётган талабалардан 143 нафари ва коллежнинг 14 ўқувчиси дуал амалиёт даврида ойлқ иш ҳиса, бепул оғат ва махсус кийимлар билан таъминланди. Ўтган йили олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларининг 427 нафар битирувчиси комбинатга ишга қабул қилинди.

Жанубий Кореянинг ADJU, INHA, Япониянинг Акита университетлари, Германиянинг Фрайберг техника университети кончилик академияси ва Дрезден техника университети ҳамда Россиянинг Миллий технологик тадқиқотлар университети, Москва пўлат қотишмалари институти билан барқарор ҳамкорлик қилинмоқда.

“Ўқув марказимизнинг 2030 йилгача бўлган ривожланиш стратегияси замонавий илм-фан ва техника ҳамда таълим тараққиёти ютуқларини амалиётга татбиқ этган ҳолда комбинат кадрлари малакасини ошириш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш кабиларни ўзи ичига олади.

2024 йилда фаолиятини бошлаган Мухандислик мактабида Германиянинг Фрайберг техника университети кончилик академияси кадр тайёрлаш бўйича методологиялари асосида мутахассислар малакасини ошириш йўлга қўйилди ва ривожлантирилмоқда.


2025 йил апрель ойида “GeoMetTex” илгор муҳандислик мактаби ташкил этилди. Ишлаб чиқариш технологик жараёнлари учун илмий изланиш олиб бориш, натижаларини амалиётга татбиқ қилиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган мактабга 2025/2026 ўқув йили учун металлургия мутахассислигининг “Рангли металлургия рудаларини бойитиш” магистратура дасури бўйича 12 талаба қабул қилинди.

Мамлакатимизда “Тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили асосида давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини 20 фоизгача қисқартириш режалаштирилган. Дунёда кечаётган ўзгаришлар даврида ривожланиш ва ҳаракатда бўлишимиз шарт.

Уйлайманки, зиммамизга юклатилган вазифаларни адо этишда аҳил, билимли, ва тажрибали жамоанинг алоҳида ўрни бор. Тараққиётнинг янги босқичи сари дадил оидлаётган янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратига корхонамизнинг ҳар бир фидойий ишчи-ҳодими ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, албатта.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
суҳбатлашди.

“2025 йил апрель ойида “GeoMetTex” илгор муҳандислик мактаби ташкил этилди. Ишлаб чиқариш технологик жараёнлари учун илмий изланиш олиб бориш, натижаларини амалиётга татбиқ қилиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган мактабга 2025/2026 ўқув йили учун металлургия мутахассислигининг “Рангли металлургия рудаларини бойитиш” магистратура дасури бўйича 12 талаба қабул қилинди.





Бугунги глобллашув даврида рақамли технологиялар илмий фаолиятнинг деярли барча босқичи — тадқиқот ғоясини шакллантиришдан тортиб, натижаларни эълон қилиш, тарқатиш ва баҳолашгача чуқур кириб бормоқда. Бундай шароитда олим ва тадқиқотчилар фаолиятини тўғри, аниқ ҳамда тизимли ҳисобга олиш, уларнинг илмий ишини яхлит ҳолда акс эттириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.


Сардор НАЗИРОВ,
Инновацион ривожланиш агентлиги ҳузурдаги Илмий-техник ахборот маркази директори



16 миллиондан ортиқ олим ва тадқиқотчи рўйхатдан ўтган бўлиб, ушбу кўрсаткич йил сайин ошиб бормоқда.

ТАДҚИҚОТЧИНИНГ РАҚАМЛИ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

Илмий натижалар очиклигини таъминлаш, муаллифлик ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, баҳолаш жараёнида холислик ва шаффоқликни кучайтириш замонавий муҳитнинг асосий талабларидан бирига айланган. Турли мамлакатлар, тиллар ва маълумот базалари ўртасида фаолият юритаётган тадқиқотчилар учун шахсий илмий натижаларни аниқ идентификация қилиш, исм-фамилиялардаги ўхшашликлар ёки ўзгаришлар сабабли юзага келадиган чалкашликларни бартараф этиш муҳим вазифа.



Ана шундай тезкор ривожланаётган илмий маконда халқаро рақамли идентификация тизимлари ишончли ва самарали ечимдир. Шундай ечимлардан бири — ORCID (Open Researcher and Contributor ID) бўлиб, у бугун жаҳон илмий ҳамжамиятида кенг қўлланаётган ва эътироф этилган халқаро стандартга айланган. 16 хонали униквал рақамли бу идентификатор олимнинг илмий фаолиятини бошқа муаллифлардан аниқ ажратиш имконини беради. Мазкур идентификатор инсоннинг бутун илмий фаолияти давомида ўзгармас ҳолда сақланади. Бу эса илмий ишлар, грантлар, лойиҳалар ва нашрларни муаллиф билан аниқ боғлаш, тадқиқотчиларнинг халқаро майдонда тан олинishi ҳамда илмий салоҳиятини тўлиқ намоён этиш учун мустақкам асос яратлади.

ORCID фақатгина идентификатор эмас, балки турли библиометрик ва илмий ахборот тизимларини ўзаро боғлаб турувчи самарали рақамли механизмдир. У Scopus, Web of Science, Crossref, DataCite каби етакчи халқаро платформалар билан тўғридан тўғри интеграция қилинган. Илмий мақола чоп этилганда, унга бириктирилган DOI (Digital Object Identifier) орқали маълумотлар автоматик равишда муаллифнинг ORCID профилида акс этади. Натижада тадқиқотчи маълумотларни кўлда киритишга вақт сарфламайди, илмий ҳисоботлар эса тез ва аниқ шаклланади. Бу, айниқса, кўп сонли лойиҳалар ва нашрлар билан ишлайдиган олимлар учун катта қулайлик яратди.

Ҳозир ORCID идентификатори кўплаб халқаро грант дастурлари (жумладан, Horizon Europe), етакчи нашриётлар (Elsevier, Springer, Nature) ва илмий жамғармалар учун мажбурий талаб сифатида белгиланган. Илмий лойиҳаларга ариза топшириш жараёнида тадқиқотчининг тажрибаси, илмий салоҳияти ва фаолиги айнан ORCID профили орқали баҳоланади.

Шу билан бирга, мазкур платформа олий таълим муассасалари учун ҳам муҳим бошқарув воситасидир. Яъни университетларнинг илмий салоҳияти ва профессор-ўқитувчилар таркибининг халқаро рейтинглардаги (QS, THE) кўрсаткичлари айнан шаффоф идентификация тизимлари орқали таҳлил қилинади. Бу эса илмий бошқарув қарорларини маълумотларга асосланган (data-driven) тарзда қабул қилиш имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистонда ҳам миллий илмий ахборот тизимларини халқаро майдон билан уйғунлаштириш жараёнида ORCID платформасининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Илмий лойиҳалар ва диссертация ишларини мониторинг қилишда мазкур тизимдан фойдаланиш баҳолаш мезонлари холислиги, очиклиги ва ишончилигини таъминлашга хизмат қилади. Замонавий илм-фанда ORCID оддий рақам эмас, балки тадқиқотчининг глобал илмий макондаги ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Мақсад рўйхатга олишни самарали тарзда ташкил этиш, масъулар фаолиятини

Янгича ёндашувлар

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ривожини учун жуда муҳим жараён. Чунки у сабаб иқтисодий ва ижтимоий маълумотлар тўлиқ ва аниқ шаклда бир жойда жамланади. Бу маълумотлар таҳлили мамлакатнинг ҳақиқий ҳолатини кўрсатиб беради. Шундай таҳлил асосида истиқболли стратегиялар самарадорлиги янада ошади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 сентябрдаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида айни кунларда 2026 йилда ўтказиладиган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга пухта тайёргарлик кўрилмақда.

— Республикада бундай тадбир сўнгги марта ўтган асрнинг охири чорагида ўтказилган. Ушундан буюн Ўзбекистонда демографик ва иқтисодий кўрсаткичларда катта ўзгаришлар юз берди. Шу боис, рўйхатга олишга эҳтиёж бор эди. Президентимиз фармони билан 2026 йил 15 январдан 28 февралгача аҳоли ва қишлоқ хўжалигини уйғун тарзда рўйхатга олиш ўтказиладиган бўлди. Жойларда бу жараёнга пухта тайёргарлик кўрилмақда, — дейди Сурхондарё вилояти Статистика бошқармаси бош мутахассиси Бойсарӣ Хайинов. — Рўйхатга олиш жараёнида аҳолининг фаолиги жуда муҳим. Шу сабабли ҳозир турли тадбирлар доирасида

АНИҚ СТАТИСТИКА САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯДИР



мувофиқлаштириш ва жараёнларни юқори савияда амалга оширишдир.

— Ўқув семинарлари комиссияси сифатида шакллантириладиган давлат хизматчилари, маҳалла фаоллари учун жуда зарур. Улар семинарларда назарий ва амалий билим олапти, — дейди Сурхондарё вилояти Статистика бошқармаси бўлим бошлиғи Шерзод Шодмонов. — Хусусан, рўйхатга олишнинг қонуний асослари, саволномаларни тўлдирish тартиби, электрон ахборот тизимларидан қандай фойдаланишни ўрганишти. Қолаверса, аҳоли билан мулоқот маданияти ва маълумотларни аниқ қайд этиш бўйича ҳам кўникмага эга бўляпти.

Амалий машғулотлар доирасида тажриба учун Термиз туманидаги бир қанча хонадонларга ташриф олиш амалга оширилди. У ерда рўйхатга олиш саволномаларини тўлдирish, маълумотларни электрон шаклда қайд этиш ва юзага келиши мумкин масалаларни

жойида ҳал этиш каби жараёнлар амалиётда кўрсатиб берилди.

— Тажриба-синов тадбирида амалий кўникмага эга бўляпти. Бундан ташқари, жараёнда масъуллардан халқаро тажриба ҳақида ҳам зарур маълумотлар олаётиз, — дейди Термиз туманидаги “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбар Муҳаммадова.

Сурхондарё вилоятининг олис ва чекка тоғли ҳудудларида аҳоли ва қишлоқ хўжалиги объектларини рўйхатга олиш алқақон бошланган эди. Уни белгиланган муддатдан олдин бошлангани сабаби бор, албатта. Қиш ва баҳорда тоғли ҳудудларда ёгингарчилик кучайиши оқибатида йўллар ёпилиб қолиши, бу рўйхатга олувчи фаолиятга жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Шу боис, масъул идоралар рўйхатга олишни хавфсиз, сифатли амалга ошириш учун об-ҳаво қулай кунларда тезлаштирилган тартиблар доирасида ўтказишни мақсад қилган.

Рўйхатга олиш жараёнида аҳолининг турмуш шароити, мавжуд инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ерлари, уй-жой ва чорва моллари тўғрисидаги маълумотлар йиғилмоқда. Бу келгусида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, имконият ва муаммоларни аниқ баҳолаш, зарур лойиҳаларни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1897 йили ўтказилган. Кейинги рўйхатга олишлар 1926, 1939, 1959, 1970, 1980-йилларда амалга оширилган. Сўнгги марта аҳолини тўлиқ қамраб олган рўйхатга олиш тадбири 1989 йили ўтказилган. Уша пайтда республика аҳолиси 19,7 миллион кишини ташкил этган. Ушундан буюн мамлакатимизда аҳоли рўйхатдан тўлиқ шаклда ўтказилмагани боис, янгилашган ва комплекс демографик маълумотларга эҳтиёж ортиб бораётган эди. Негаки, аҳолини рўйхатга олиш Ўзбекистон аҳолисининг сони, ёши, жинси, оилавий аҳоли, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлиги, иқтисодий фаолиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги хусусида батафсил маълумот олишга ёрдам беради.

Рўйхатга олиш жараёнида аҳолининг турмуш шароити, мавжуд инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ерлари, уй-жой ва чорва моллари тўғрисидаги маълумотлар йиғилмоқда. Бу келгусида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, имконият ва муаммоларни аниқ баҳолаш, зарур лойиҳаларни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу кунларда Миллий статистика қўмитаси, унинг ҳудудлардаги бошқармалари ва олийгоҳлар, илмий-тадқиқот марказлари муассасалари профессор-ўқитувчилари ишторидида ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Мақсад рўйхатга олишни самарали тарзда ташкил этиш, масъулар фаолиятини

Рўйхатга олиш жараёнида аҳолининг турмуш шароити, мавжуд инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ерлари, уй-жой ва чорва моллари тўғрисидаги маълумотлар йиғилмоқда. Бу келгусида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, имконият ва муаммоларни аниқ баҳолаш, зарур лойиҳаларни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲАР БИРИДА ҲАЁТГА УМИД УЙҒОНДИ



Инклюзив таълим

Ногиронлиги бўлган фарзандини мактабга олиб бораётган бир она билан ҳамсухбат бўлиб қолдик. Боласи 4-синфда ўқир экан.

— Шу пайтгача уйда қарадик. Болалар боғчасига бормади, мактабга ҳам юборгимиз келмасди. Соғлом болалар ёлғизлатиб қўйса, руҳан синида деб чўчидик. Инклюзив синфлар оқилаётгани биз каби ота-оналарни ўйлаб қилинган хайрли иш бўлди, — дейди аёл.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ КАНЕР ҚИЛИНГ!

маросимидаги нутқида яна бир қарра ўз ифодасини топди. Нутқда ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларини ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар илгари сурилиб, инклюзив таълимни ривожлантириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш устувор йўналиш экани таъкидланди. ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун Инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини яратиш ва Жаҳон профессионал таълим саммитини Ўзбекистонда ўтказиш тақдир қилинди. Таъкидланганидек, бундай ташаббуслар таълим соҳасида барча учун тенг имконият яратиш ва янги интеллектуал муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Мутасаддиларнинг айтишича, 2021 йилда атғи 100 га яқин ногиронлиги бор бола умумтаълим мактабларида ўқитилган бўлса, бугун бу рақам 5000 дан ортди. Бинобарин, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан жамиятда шакланган қарашлар, ота-оналар онгини ўзгартриш мақсадида йўлга қўйилган психологик тренинглр инклюзив таълимнинг афзалликларини кенг тарғиб қилаяпти. Натижада фарзандини таълимга беришни истамаган (уйлан, қўрққан) ота-оналарда ижобий ёндашув шаклланиб, кўплаб болалар инклюзив синфларда ўқимокда. Шунинг учун мактабларни бу таълимга мослаш жараёни тобора тақомиллашмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотларига кўра, ўтган 3 йилда таълим ва ижтимоий хизматга қамраб олинганлар сони 75 фоз (129 минг 978) дан 82 фоз (132 минг 499 нафар) га етди. Коррекция ва психологик хизмат кўрсатиш, замонавий касбларни ўргатиш учун ташкил этилган хизматларга 1500 бола жалб этилди. Жумладан, Тошкент



шаҳридаги Халқаро инклюзив ҳабда 21 та инклюзив таълим дастури бўйича 753 бола (313 нафари алоҳида эҳтиёжли бор) касбларга ўқитилди. Урганч инклюзив марказида 54 ўқувчига нутқ терапияси, ижтимоий хўжамалар ва ҳуққ-атворни яхшилаш хизмати кўрсатилди. Турли касб ва тил ўргатиш тўғрисида очилди. Махсус мактаблардаги “Мактаб ва бизнес” лойиҳаси доирасида эса тадбиркорлар билан касб, чет тилига ўқитиш, спорт йўналишларида 30 та лойиҳа йўлга қўйилиб, 1000 га яқин ўқувчи қамраб олинди.

Битирувчи ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш, ижтимоийлаштириш, ўзига ишончини ошириш ва меҳнат бозоридagi ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида касблар ҳамда хорижий тиллар, адаптив спорт турлари бўйича мақсадли тайёровлар йўлга қўйилди. Жумладан, Урганч шаҳридаги 96-алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган қар ва занф эшигадиган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда “Adilov Bakery Group” оилавий корхонаси билан ҳамкорликда

новвойчилик цехи ташкил қилинди. Цехда 24 битирувчи нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш сирларини ўрганишти, 15 битирувчи қандолатчиликка тайёрланганти.

Эъ навбатида, спорт ҳам эътибордан четда эмас. Мактаб-интернатлар ўртасида “Беш ташаббус” паралимпиадасининг вилоят босқичида мактабнинг 2 ўқувчиси республика босқичида ҳам юқори ўринларни эгаллади.

Тўрақўрган туманидаги 48-алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг бую турган биносида “Махсус мактаб ва бизнес лойиҳаси” доирасида хусусий тадбиркор Муродилла Ғойибов мебель ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширигач, 20 ўқувчи мебельчилик ва тикувчилик касбига меҳр қўйди. Навоийлик қўзи ожиз инглиз тил ўқитувчиси Х.Исмомов 25 қўзи ожиз ўқувчини халқаро имтиҳонларга тайёрлаётгани ҳам таъсирга лойиқ. Ҳудудларда бу каби ишлар талайгина. Уларнинг барчасида инклюзив таълим имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган.

Юртимизда бу йил илк бор “Имкониятлар олимпиадаси” касблар беллашуви ва стартап лойиҳалар танлови ўтказилгани ҳам муҳим қадамлардан бири бўлди. Дастлабки тадбирда 500 га яқин иштирокчи беллашди. Мазкур олимпиада улар учун тайёргарлик майдони вазифасини ўтади. Бунинг самараси ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида ўтказилган халқаро Миллий Абилимпикс олимпиадасида қатнашганимизда ҳам яққол сезилди. Абилимпикс — ногиронлиги бўлган шахсларга ўз кўникмаларини намоён этиш ва касб эгаллаш имкониятини беришга қаратилган халқаро ҳаракат ва касбий танловлар олимпиадаси. 2014 йилдан буюн ўтказиб келинаётган мазкур олимпиада бу йил Москвада бўлиб ўтди. Унда қандолатчилик, санаят робототехникаси, тикувчилик ва сураткашлик йўналишларида қатнашган вакилларимиз ўзларига яратилган алоҳида эътибор натижасини кўрсатишга ҳаракат қилди. Хусусан, фотография йўналиши бўйича қумуш медали қўлга киритган Гулноза Шермаматова энди олтин медал учун ҳаракат қилишни дилга туғди. Шу маънода, “Имкониятлар олимпиадаси” иқтидорли ёшларни мана шундай халқаро мусобақаларга саралаб беришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус техникумларда 1629 ўқувчи таҳсил олди. Улар тикувчилик каби анъанавий йўналишлар билан бирга, рақамли ахборотларни қайта ишлаш устаси, компьютер графикаси ва дизайн операторлик каби замонавий касбларни ҳам эгаллаёттир.

Олий таълим муассасаларида ўқитилган ногиронлиги бўлган 12 миңдан зиёд талабанин 3000 дан кўпроғи 2025/2026 ўқув йилида олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча икки фозил давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилинди. 2024/2025 ўқув йилида ўқишни тамомлаган 3500 дан ортиқ ногиронлиги бўлган талабанин шу қўшга қадр қарий 3000 нафари иш билан таъминланди. Бу инклюзив таълимнинг ҳам анъанавий таълим каби бошлаб чиқариш билан интеграция қилина бошлаганини кўрсатади.

Муножат Мўминова,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“ТУНИМНИ ЁРИТГАН ТОНГ ЮЛДУЗИ”

ғузорлик чўпон

Парда Нормуродов портретиغا

чизмалар

Очерк



Президентимиз Ғузор туманидаги “Пачкамар қоракўлчилик” МЧЖ бош чўпони Парда Нормуродовни “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирлади. Биз чўпон билан ақиндан танишиш, бундай эҳтиромнинг сирини билиш мақсадида йўлга чиқдик...

Йўлга чиқишимиздан олдин кўпчилик Парда чўпон яшайдиган манзил анча олисда экани, ҳар қандай енгил машина бора олмаслигини айтди. Биз орта қайтишни истамасдик. Илтимосимизга кўра, қоракўлчилик хўжалигининг “УАЗ” русумли машинасида йўлга тушдик. Хайдовчининг айтишича, у ўттиз йилга яқин вақтдан буён шу чўлга қатнар, чўпонлар ҳолидан хабар олиш учун кўпинча “УАЗ”дан фойдаланар экан.

— Машина янгилигида менга берилган. Вақт ўтиб, иккимиз ҳам чарчаб қолдик, — дейди Мўмин ака ҳазил оҳангида. — Энди бирга пенсияга чиқамиз, шекилли. Кўриб турганингиздек, бугун бундай техникаларга эҳтиёж қолмапти. Фақат бизнинг ҳудудимизда зарурат учун фойдаланилади. Сиз излаб бораётган Парда чўпонни анча йилдан буён танийман. Жуда камтар, фидойи инсон. Мукофотланганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Ҳўш шуну хотирани ҳайдаб чиқиб кетган экан. Кейин хабар топди. Хурсандлигини кўрсангиз эди. Даштада меҳнат қилиб юрган мана шундай одаимлар эътироф этилган ҳаммамизни қувонтирди.

Марказдан анча юриб, Дўлтали қишлоғига кириб бордик. Бир оз ўтиб, қишлоқ ҳам ортада қолди. Бугеги пасту баланд адириклар бошланди. Атрофда ҳеч зог кўзга ташланмади. Хайдовчи бир маромда машинани бошқариб бораётди. Анча йўл юрилгач, олисдан бир сурув кўй кўринди. Яқинлашдик деб ўйлашдик. Аммо хайдовчи бу бошқанинг отари эканини айтди. Далада бирор ўт-ўлан ўсмаган. Янгоқни айтмаса, сурув нима еб юрганга хайрон қолдик. Хайдовчининг таъкидлашича, икки марта ёмғир ёғиб, ҳартугул чўл бир оз яхшилланган. “Шу пайтатча чанг-гўзондан бу атрофда юриб бўлмасди”, дейди у.

Бир соатдан зиёд йўл босдик. Рости, Ғузор туманида шунчалик бепоён дашт борлиги хаёлимизга ҳам келмаган экан. Адоғи кўринмайди. Бир тепалиқдан ошар эканмиз, хайдовчи манзилга ақинлашганимизни айтди. Бир оз юриб, атрофи симтўр билан ўралган кўра ўртасидаги ғарамни кўрдик. Ундан нарида икки хонадан иборат ўртаси айвонли уй. Атрофда бўрибосар итлар ётарди. Машинадан тушишга иккиликдан турганимизда, кўчқочиб уй эгаси чиқиб келди. Гапи самимий, очикқўнгил киши Парда чўпон эканини билиб, юксак мукофот билан таърикланди. Сўхбатимиз тез қовушиши учун чўпонни сал нарида юрган сурув томон бошладик.

— Бу ерларда кўй боқини бошлаганимизга эллик йилга яқинлашди қолди, — дейди Парда Нормуродов. — Шукрки, ҳамон тўхтаганим йўқ. “Дарахт бир жойда кўкаради” деганларидек, шу касбнинг этагидан тутиб, кам бўлмадик. Чўпонликнинг ҳам ўзига яраша

машаққати, шунга яраша роҳати ҳам бор. Боболаримиз “Сурувни молнинг туегидан ҳам қаттиқ одам боқадил”, дерди. Биласизми, бир пайтлар аёлим билан кечалари сурувнинг кўзилашига диққат бўлиб, мижжа қоқмаган пайтларимиз кўп бўлган. Гоҳида янгангиз нолисасиз, “Эртага яхши кунлар келади. Меҳнатимиз роҳатини кўраимиз. Бир кун бунинг рағбати, албатта, бўлади”, дея овулардим. Ҳўш кунни қўйларни суғориб, энди уйга кирганим, телефон жиринглади. Аслида, бизда телефон алоқаси яхши эмас. Чарчаган эканман, телефонни кўтариб, жавоб бериш ёқмади. Бир оз ўтиб, яна кўнгирак бўлди. Телефонни кўтардим. Кимлигини ҳам англамай қолдим. “Мукофот муборак бўлсин, чўпон бобо”, деб табриклар кетса денг. Нималигини, қандай мукофотлигини ҳам била олмай қолдим. Бир оздан сўнг яна кўнгирак бўлди. Энди хўжалигимиз Раисси экан. У: “Давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан соҳа ривожига ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида кўра орден билан тақдирландингиз, табриклайман!” дегач, тушуниб етдим. Аввалига шунчаки ҳазил деб ўйладим. Кетма-кет айтишгач, ишонч ҳосил қилдим. Ёш боладек қувонганимни кўрсангиз эди. Далага чиқиб хайкиргим келди. Мендек чорвадорнинг меҳнатини улуғлаган Президентимизга минг раҳмат. Бу эътироф кучимга куч қўшди. Шижоатим тошиб, анча ёшардим.

Қувончдан тўлиб-тошиб гапираётган чўпоннинг ҳаяжони ҳалигача босилганимни билиб турардим. У кенгликларга термилди, жим қолади. Гўё йўқотган нарсасини топгандай яна шошиб гап бошлади.

— Яратганинг қарами кенг. Куз анча қурғоқчил келганига барчамиз ташвишта тушгандик, — дейди осмонга ишора қилиб у. — Шукрки, мана ёмғир ёға бошлади. Бу ризқ-бароқа дегани. Чорвага хайрли бўлади. Дехқонга умид бағишлайди. Омборлар донга тўлади.

Сўхбатдошимизни суратга туширмоқчи эканмишни айтганим, “ҳозир”, деганча унинг шошиди. Бирпасда оҳорли либосда, “Меҳнат шўхрати” орденини тақиб чиқди. Ғузор туманидаги “Пачкамар қоракўлчилик” МЧЖ бош чўпони кўксига ярашиб турган орденини сийлаб кўрдик. Қараб турганимизни сезиб: “Бу туңларимни ёритган тонг юлдузи”, деганча қолди.

Чўпон бежиз тонг юлдузи демаган экан. Сўхбатимиз давомиди у бошқа касб эгаларида учрамайдиган қизиқарли воқеаларга, саргузаштларга бой ҳикоялар айта берди. Биз улардан бир қисмини сизга айтиб беришни истадик.

... Қаҳратон қиш. Аёз қисиб, кечга томон яна қор ёға бошлади. Ҳўш одатда Тоштерма чўлида кўп ҳам қор ёғавермайди. Лекин бу йил қиш қаттиқ келди. Қантар отганига уч-тўрт кун бўлдики, ҳамон қор тўхтагани йўқ. Ён-атрофини қоқлаб, чўлнинг паст-баланди билинмай қолди. Гоҳида изгирин шамол туриб, кўз очирмайди. Шундай кунда биринчи марта келган киши адашиб, саҳрода тентираши аниқ. Ахир бу манзил одамлар яшайдиган овулдан нақ ўттиз чакирим йироқда. Ҳар ўн

осмон очилса, аёзнинг зўри шунда бўлади. Шу пайт кўра томондан фонус ёруғи кўринди. Демак, хотини ўли билан кўзилардан хабар олгани борган. Чўпон гарч-гурч қадам босиб, тизза бўйи қорда из қолдирганча, илдамлаб бораркан, бўрибосар ити Қоплон эргашди.



чакиримда биргина чўпоннинг уйи, кўраси дуч келишини айтмаса, бирор кишини учратиб мушкул. Шу сабаб чўпонларга ҳафтада бир марта егулик олиб келадиган “УАЗ” хайдовчининг бошқа биров юрак ютиб, шу томон йўл солмади.

... Чўпон этганини қоқиб, ичкарига кирди. Пайтавасини печ ёнига иларкан, кўнглидан қор ҳали-бери тинмайди деган ўй ўтди. Шу ўй сабаб Парда чўпоннинг хавотир орди. “Кун-ку хайрли ўтди. Туни яхши ўтказиб олайлик-да... Одатда қўйлар кечки пайт кўп кўзилади. Кечани кўрада ўтказмасан бўлгани”, деди ўзига ўзи гудраниб.

Хотини узатган қайноқ чойдан ичиб, ичига иссиқ кирди. Печанинг тафти элтиб, кўзига уйку келди. Ёнбошлаб, кун давомиди болалаган совлиқларни санади. Йигирмадан ошибди. Сўзлаш мавсумида чўпон тиниб билимайди. Айниқса, тун совуғида кўзини асраш осонмас. Мабодо бирор совлиқ боласига қарамай қолса, яна ташвиш.

Шу зайил ухлаб қолган Парда чўпон итнинг товушидан уйғонди. Шошиб ташқарига чиқди. Аллақачон қоронглик қоплай бошлаган осмондан лайлақор ўйноқлаб тушарди. Демак, қор тез тинади. Булутлар тарқалиб,

кўра эшигини очиб, ичкарига кирди. Хотини янги туғилган кўзини қўлига олиб, совлиқ елинига тутарди. Аксига олиб, совлиқ безовталаниб, юриб кетар. Ҳўш унинг бўйиндан маҳкам ушлаб, юришига қаршилик кўрсатмоқчи бўларди. Аммо боланинг теллаги кўзига тушиб, ҳалал берар, уни бир қўли билан ичкарига кўтариб, яна қўйни маҳкам ушларди. Кўзи сут ҳидини олиб, онасига талпинди. Анча уринишдан сўнг кўзичоқнинг қорни тўйди. Энди қўйни юборса бўлади. Бугеги онаси қаради. Лекин шу пайт кўранинг қайсидир четига икки қўй кўзилаётгани. Энди ишининг авжи бошланди. Бугегига туғилган кўзиларни совуқда онаси қурита олмайди. Териси қурмаган кўзи аёзда музлаб, нобуд бўлади. Чўпон кўзичоқларни кўтариб, иссиқ уйга олиб кирди. Хотини ва ўғли ҳам ортидан келди.

Печка ёнида титраб турган кўзичоқларнинг устидан буг кўтарилди, майин юнги хурпая бошлади. Бир оз дам олган чўпон фонусни кўтариб, кўра томон кетди. Кўп ўтмай, яна учта кўзини қўлтиқлаб келди. Бу ҳолат тонгга қадар давом этди. У янги туғилганларини олиб келди. Иссиқда жонланган кўзиларни олиб бориб совлиқларга “топширади”. Бу орада аёли ҳам унга ёрдамлашар, қалиши

билан қор кечиб, тиним билмасди. Аксига олиб, деворга осигиқ соат миллари жуфта секин юраётгандек...

Хайрият, тун талафотсиз ўтди. Уйқусизликни айтмаса, барчаси яхши... Чўпон оиласи тонгга яқин бир оз дам олди.

...Бу йилги кўклар яхши келди. Ёмғирли кунлар кўп бўлди. Бепоён Ғузор чўли яшилликка бурканди. Қишдан омон чиққан чорва баҳорда яйради. Қишда эгиз кўзилаб, ориқлаган совлиқлар ўзини ўнглади. Сутта тўйган кўзилар чўпон болалари билан қувлашмачқ ўйнайдиган бўлди... Кун қизий бошлагач, чорвани кўчириш пайти келади. Вақтида жойини ўзгартирмаса, бу атрофдаги ўт-ўланни сурув тез еб битиради. Парда чўпон тоққа кўчириш вақти келганини англаб, хўжалик раҳбарига хабар юборди. Икки кун ўтиб, юк машинаси кўтон олдига етиб келди. Чўпон керакли нарсаларини ортиб, оиласини ҳам машинага чиқариб, тоққа жўнатди. Ҳўш иккинчи чўли билан “Қайдасан, Майданак тоғларин”, дея сурувни олдига солиб йўлга тушди. Улар кундан бир ҳафта йўл юриши керак...

Одатдаги кунларнинг бирида сурувни ўтлаб юрган чўпон катта тошга елка тираб, ҳордик чиқарди. Яқинида юрган кўзиларнинг китир-китир ўт чайнаши унга завқ беради. Шу зайил тошга бошини қўйган чўпоннинг кўзи илинди. Бир пайт гурр этиб сурув бир томонга қараб қочди. Кўчиб ўйғонган чўпон ўрнидан туриши билан рўбарўсида турган катта кўк ёлдор бўрига дуч келди. Жоңдорга илгари ҳам кўп дуч келган. Аммо илк бор яқиндан кўриши эди. Икки қадам нарида кўзлар тўқнашди. Бўри ириллаб, рақибига ташланганига тайёр турарди. Чўпоннинг қўлида тағвиган бошқа қурол йўқ. Шу пайтда итлар ҳам қаергидир йўқ қолган. Чақирай деса, овози чиқмайди. Ортиқча ҳаракат бўрининг гашини келтириши аниқ. Шу дам оёғи тағида турган кичик тош паста думалади. Рақиб шунданми, ё бошқа сабаб туфайлими, ўзини чўпоннинг устига олди. Буни олдиндан сезган чўпон тағини икки қўлаб ушлаганча, ёлдорни устидан ошриб юборди. Бўри уч-тўрт метрча паста тушди. Ҳўш ҳам ёнбошга ағдарилди. Қўлига илашган қирра тошини олиб, салпич турди. Илашяптики, керакли пайтда Бўйноқ етиб келганди. У жондорни маҳкам босиб турарди. Кўп ўтмай, қолган итлар ҳам етиб келди. Чўпон тарқалиб кетган отарини йиғиш ҳаракатига тушди. Ҳолатдан хабар топган ёрдамчилар ҳозир бўлди.

Парда чўпоннинг отаси Боймир бобо ўз даврининг тажрибали чорвадори эди. Бир неча йиллар хўжаликнинг қўйини боқиб,

чўпонларга бошчилик қилган. Ҳар йили режани ортинги билан бажарадиган чўпон фарзандларини ҳалол ризқ билан воғта етказди.

Парда чўпон қўлига таёқ олиб, отасига эргашганида эндигина 5-синфини тугатган эди. “Кичкина чўлик” деган ном олган Парда кўзилар билан қувлашиб ўйнашни яхши кўрарди. Ҳўш вақтларда у отасининг саволига жавобан, келгусида катта чўпон бўлиш ниятида эканини айтганди.

У мактабни тугатгач, дастлаб амакиси Намоз акага чўлик этиб тайинланди. Астойдил ишга киришиб, чорвадорлик сирини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Қайси вақтда суғориш, тунинг қайси маҳали ўтлаши зарур, хуллас, барчасини диққат билан кузатиб борарди. Орадан тўрт йил ўтиб, унга устози ва отаси тағини ишониб топширди. Ҳўшда қоракўлчилик хўжалиги қўйларини боқиб масъулияти ҳам Парда чўпонга ўтди. Айнан Ғузор тумани чўлидаги Тоштерма ҳудудига жойлашган бугун кўрага ўзи бошчилик қиладиган бўлди. Ёнига чўликлар олиб ишга киришди. Дашт кезиб, сурувни қўпайтириш учун ҳаракат қилди. Жазирамада Майданак томон йўл олиб, салқинда сурувни ўтлатди. Совуқ кунлар бошлангани билан қишлоқ кўрасига йўл олди. Бу орада оила қуриб, турмуш ўртоғи Нортोजибий билан бирга кечани кеча, кундузани кундуз демай меҳнат қилди. Туңлари бедор ўтган дамларда бир-бирига далда бўлди. Яхши кунлар келиши ҳақида оруз қилди. Қийинчиликларга бардош берди. Бирор марта хўжалик ҳақида хиёнат қилмади. Аксинча, ишонччи оқлаш ниятида бор кучи билан ишлади. Шу чўл бағрида ҳалол одамлик билан элга танилди. Касби ортидан уч ўғил, бир қизни воғта етказди. Ули-жойли қилди. Бугун чол-кампир набираларнинг семили бобо-бувисига айланган. Ёши олтинчида ошган бўлса-да, Парда Нормуродов ҳамон сурув ортидан қолгани йўқ. Дала-дашта чикқанда хузурланди. Кенгликларга боқиб, болалигини топгандай бўлади.

— Мана шу даштдан куч-қувват оламани. Яратганга шукр, юртимиз тинч. Бировдан кам жойимиз йўқ, — дейди Парда чўпон. — Шунинг ортидан турмушимиз фаровон. Болаларим қабатимга кириб, кўмак берипти. Ота-боболаримиз ҳамнаша ҳалол бўлишни уқтирган. Шунинг учун бирор марта биронинг ҳақиқа қўл айтмадим. Бугун камтарона меҳнатимизни Президентимиз юқори боқолаб, мукофотлаганидан бошим кўкка етди.

Биз орденли чўпон билан хайрлашиб, машинага чиққанимизда кўлимиз изгириндан титради. Тезроқ исиниш ҳаракатига тушдик. Лекин Парда чўпон совуқни пинанд этмай, мамун ҳолда бизни кузатиб турарди. У йиллар давомиди мана шу даштнинг иссиқ-совуғида обдан товланган, ҳув ўша ўтмиш кишилар айтганидай, туёқдан ҳам қаттиқ, чайир бўлиб кетган. Исталган вақтда шаҳар, ҳеч бўлмаса, қишлоққа кўчиб кетиши мумкин. Аммо бундай қилмайди. Чунки у қўйларини, бутун умри ўтган мана шу даштга, Ватанинга яхши киши қилиб қўлади.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Агротуризм



Кўлбўйи маҳалласи узум етиштириш ва сақлашда ўзига хос тажрибага эга. Ҳар бир ҳовлининг ишқоми бор. Маҳалла ахли узум пишшигача ҳосил сақлаш ҳадисини олган. Одамларнинг бу борадаги изланиши ва маҳоратига қойил қоласиз.

ТўРТ ФАСЛДА ҲАМ УЗУМ АРИМАЙДИГАН ХОНАДОН

Хусанбой Ғафуров узумчилар сулоласининг бешинчи авлоди. Бу хонадонда қиш чилласида ҳам янги узилгандек банди кўм-кўк ҳолда сақланаётган узумларни кўриб баҳри дилингиз очилади. Бир пиёла чойга тақлиф этилган меҳмон олдида тўрт фаслда ҳам узум қўйилади. Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан Президентимиз фармонида кўра, олтириқлик боғбон Хусанбой Ғафуров “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Ана шу машҳур узумчилар хонадонига келдик. Декабрнинг ёмғирли ҳавоси этни жунжистиради. Файзли хонадон томорқасида маржондек осилиб турган узумларни совуқдан асраш мақсадида устига плёнка тортилиб, қоғоз билан ўраб қўйилган. Бошингизга тегай-тегай деб турган сархил мевалар кўзингизни олади, осмон узумлар билан қоплангандек гўё.

— Узумни кейинги йил ҳосилни пишгунча сақлаймиз, — дейди Хусанбой ака. — Сақлашнинг уч усули бор. Биринчиси — узумни тоқдан узмай, совуқ об-ҳаводан ҳимоя қилиш. Иккинчиси — махсус қутиларга жойлаб, анъанавий усулда, уй шароитида сақлаш. Ҳозир узум энг оммалашган усулда, яъни пластик

идишларда сақланади. Кейинги йилларда бу усул анча оммалашди. Бунда пишган узум калтаги билан кесиб олинди, пластик идишдаги сувга солиб қўйилади. Наतिжада узум узок вақт маза си ва кўринишини йўқотмайди. Лекин ҳамма узумни ҳам шу тарзда сақлаб бўлмайди. Шу боис, “Келинбармоқ”, “Хусанбой”, “Мерседес” навли узумларни ноль даражадан паст бўлмаган шароитда сақлаш ҳар жараҳатдан фойдали. Ерга меҳр берган одам асло кам бўлмайди. Томорқадан келган даромад ҳисобига беш фарзандини уйли-жойли қилдим.

Хонадонда узум сақлашга мослашган махсус омборхона қурилган. Ҳар бир хонада 500 килограммдан 2,5 тоннагача узум сақлаш имконияти бор. Боғбоннинг айтишича, томорқада хориждан келтирилган “Аватар”, “Аливека” сингари маҳаллий иқлимга мос, серхосил, экспортбор, уруғсиз узум навлари етиштириляпти.

Хонадоннинг ҳар бир аъзоси узум етиштириш ва сақлашда ўзига хос тажрибага эга. Айтишларича, бунинг асосий сирини маҳсулотни қайси вақтда бир оз иситиб, қачон шамоллатиб туришни билишда. Бунинг учун киши узум билан тиллаша олиши керак.



— Камтарона меҳнатимиз давлатимизнинг юксак ордени билан тақдирланган бошим осмонга етди, — дейди Хусанбой ака. — Қўлимга кетмон олиб, томорқачилик билан шугулланиб келаётганимга 50 йилдан ошди. Сархил узум етиштиришда табиий, органик моддалардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Бу усул ер унумдорлигини оширади, ҳосил сифатини яхшилаш, узок муддат сақлаш имконини беради. Бобомерос ишларни бугун фарзанд ва набираларим давом эттирмакда.

— Маҳалламиздаги 575 та хонадоннинг аксариятида узум етиштирилади, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Камолддин Қўболов. — Уста томорқачининг Президентимиз томонидан юксак мукофотга муносиб қўрилгани бутун маҳалламиз боғбонлари меҳнатининг эътирофидир. Бугун меҳнат қилган роҳатини ҳам кўрапти. Шинам уй-жойлар қуриляпти, дегарли ҳар бир оилада автомобиль бор. Узумчилик йўналишида агротуризм

анъаналари ривожлантипти. Узум етиштириш, сақлаш борасидаги тажрибаларни ўрганиш истагидан хориқлик ва маҳаллий сайёҳлар сафи кенгаймоқда. Хусанбой Ғафуров хонадони аллақачон ана шундай агротуризм масканига айланиб улгурган. Асл дехқон биланларини бошқаларга ҳам илинади.

Йилнинг қайси фасли бўлишига қарамай, узум ейишни истасангиз, Олтириққа, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибининг хонадонига тортирмай бораверинг. Чунки бу хонадон дастурхонидан узум аримайди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЪЖУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳис: Ақбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллоев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 20:50 Топшириқди — 23:00